# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 18 июль, № 140 (6834) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# БАРЧА СОҲАЛАРДА ВА ҲАМИША ИНСОН МАНФААТИ УСТУВОР БЎЛИШИ КЕРАК

## Президентимиз Шавкат Мирзиёев 15 июль куни пойтахтимизнинг Юнусобод туманига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Қўриқлаш бошқармаси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда ички ишлар тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Президентимиз ташаббуси билан профилактика инспекторлари ўзи хизмат қилаётган ҳудудда яшайдиган, фуқаролар йиғинлари билан бирга ишлайдиган янги тизим яратилмоқда. Профилактика инспекторлари уй-жой, автомобиль ва замонавий техника воситалари билан таъминланмоқда.

Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани юртимизда тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлашда муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимиздаги барча ички ишлар органларини ўзаро боғловчи оптик толали тизим барпо этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 8 июль куни Наманган шаҳридаги «Орзу» маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори хизмат хонасида компьютер орқали Хоразм вилояти Хива тумани ички ишлар бўлими ходимлари билан видеомулоқот қилган эди.

Пойтахтимизда ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Президентимизга ушбу соҳада қўлланилаётган техникалар ва уларнинг ишлаш жараёни, истиқболдаги режалар ҳақида ахборот берилди.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасида «Хавфсиз шаҳар» бошқарув ситуацион маркази ташкил этилмоқда. Бу йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, қўриқлаш хизмати, патруль-пост хизмати ва бошқа тармоқларни геоинформацион тизим орқали бошқариш имконини беради. Корхона ва ташкилотлар, бозорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, меҳмонхоналар, йўллар ва бошқа жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари, GPS ва ГЛОНАСС глобал навигация тизимлари билан таъминланган хизмат автомобиллари, замонавий сигнал узатиш техникаси бунда қўл келади.

Юнусобод тумани ҳудуди уч қисмга ажратилган ва уларда техник қўриқлаш марказлари ташкил этилган. Ҳар бир марказга муайян маҳалла ва ташкилотлар, хонадонлар ва бошқа объектлар бириктирилган. Агар ўша ҳудудда бирор хавф эҳтимоли сезилса ёки воқеа содир бўлса, марказдаги тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ тезда етиб боради.

Яна бир эътиборли жиҳати, янги тизим сигналларни мис кабель, оптик тола, интернет, сунъий йўлдош орқали узатиш ва қабул қилиш имконини яратади. Яъни хабар узатиш ва ишни ташкил этишда ҳеч қандай узилиш бўлмайди.

Таҳлиллар ҳозир ушбу тизимдан фойдаланилаётган жойларда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар камайганини кўрсатмоқда. Замонавий технологияларга асосланган мазкур қўриқлаш тизимига ўтаётган корхона ва ташкилотлар, маҳалла ва хонадонлар кўпайиб бормоқда.

Тинчлик-осойишталикни таъминлаш тизими бугунги ҳаёт талабларига мос бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев. Янги замонавий тизим самарали ишлаши учун уни пухта ўзлаштириш, босқичма-босқич амалиётга татбиқ этиш ва такомиллаштириб бориш зарур.

Мазкур бошқарув тизимини синовдан ўтказиш, ички ишлар ходимларининг ахборот технологиялари бўйича билимини ошириш, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкентдаги Инҳа университетида ихтисослашган кадрлар тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқув дастурини такомиллаштириш, тизим пухта ўзлаштирилганидан кейин уни мамлакатимизнинг барча шаҳарларида жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Барча соҳаларда ва ҳамиша инсон манфаати устувор бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Жумладан, ички ишлар ходимларининг моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш, уларнинг оилалари учун кўп қаватли уйлар қуриш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигини кенгайтириш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида Хитой тажрибасини ўрганиш, соҳада қўлланилаётган техник воситаларни маҳаллийлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари «Shifo Nur» кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлиб, шифокорлар ва беморлар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Катталар ва болаларни даволаш, ушбу йўналишда хорижнинг нуфузли клиникалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, малакали мутахассисларни жалб этиш лойиҳаси билан танишди.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт соҳасида хусусий секторга кенг ўрин берилаётир. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

«Shifo Nur» кўп тармоқли тиббиёт маркази 2013 йилда ташкил этилган. 36 ўринли марказда 60 дан ортиқ малакали шифокор офтальмология, пластик жарроҳлик, педиатрия, кардиология, неврология, гинекология, отоларингология, стоматология, физиотерапия ва оптика йўналишлари бўйича аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш керак, деди Президентимиз. Амалиётга энг замонавий технологияларни жорий этиш билан бирга, улардан самарали фойдаланишни ҳам таъминлаш, шифокорлар билими ва малакасини муттасил ошириб бориш зарур.

Юнусобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида 11 йиллик мактаб таълимини ташкил этиш лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Унда маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирок этди.

Юртимиздан дунё илм-фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар етишиб чиққан. Ёшларимизни уларга муносиб маърифатли, илмли қилиб тарбиялашимиз лозим, деди Президентимиз. Бунда мактаб тарбияси алоҳида ўрин тутади. Мактабда ўқувчи маълум муҳитда шаклланади. Ўқитувчи ва ота-онасининг доимий назоратида бўлади. Мактабдан сўнг коллеж ёки лицейда бошқа муҳитга тушиб қолади. Шунинг учун ота-оналар, кенг жамоатчилик фикри, таклифи асосида 11 йиллик мактаб таълими қайта йўлга қўйилмоқда.

11 йиллик мактаблар учун ўқув дастурларини пухта ишлаб чиқиш, уларни сифатли дарслик ва адабиётлар билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Ўқувчилар мактаб қошида ёки яқин атрофдаги касб-ҳунар коллежида ташкил этиладиган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуасида ҳафтасига бир марта турли мутахассисликларни ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Мактабда ўқишни давом эттириш ёки касб-ҳунар коллежига ўтиш ўқувчининг ихтиёрида. Ўзи танласин, муҳими, уларни тарбияли, ота-онасини ҳурмат қиладиган, ватанпарвар қилиб вояга етказишимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Юнусобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи жойлашган Исломобод маҳалласида 3 минг 165 аҳоли истиқомат қилади. Лекин маҳалла ҳудудида мактаб йўқ. Ёшлар бошқа маҳаллалардаги мактабларга боришга мажбур. Учрашувда маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳудуддаги ушбу коллежни 11 йиллик мактабга айлантириш таклифини билдирди. Президентимиз ушбу таклифни ўрганиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шу ерда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бир гуруҳ фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш, ёш композиторлар уйини ташкил этиш ва бошқа масалалар ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Исломобод маҳалласида яшовчи Тўлагановлар хонадонида бўлди.

Тоҳир ака бир умр ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Тўрт ўғилни эл ишига камарбаста инсонлар этиб тарбиялаган.

Суҳбатда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самаралари, фарзандлар тарбияси ҳақида сўз юритилди.

Шавкат Мирзиёев Бўзсув канали бўйида барпо этиладиган маданият ва истироҳат боғи лойиҳаси билан танишди. Боғда мутолаа ва мулоқот қилиш учун махсус жойлар, фавворалар барпо этилади, амфитеатр, кўргазма павильонлари, спорт ва соғломлаштириш зоналари, ҳаваскор балиқчилар клуби ташкил этилади, замонавий аттракционлар ўрнатилади.

Президентимиз бу ерни маданият ва маънавият масканига айлантириш, ёшлар, китобхонлар учун барча шароитлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Боғни барпо этишда табиий рельефдан оқилона фойдаланиш, турли дарахт ва гулзорларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

«Ўзэкспомарказ» мажлислар залида Президентимиз раислигида Тошкент шаҳри фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Юнусобод туманини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли учун замонавий қулайликлар яратиш, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

# «Мудраб ётган» сиёсий партиялар уйғониши лозим

*Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди "мудраб ётган" сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар орқали одамлар, сайловчилар ишончини қозониши, қалбидан жой олиши зарур. Яқинда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан қатъий таъкидланган ушбу сўзлар сиёсий партияларнинг ўз электоратига берган ваъдаларини ёдга солган бўлса, ажаб эмас. Мухбиримиз шу ҳақда сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари раҳбарларининг фикрлари билан қизиқди.*

**Содиқжон ТУРДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари:**

— Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида сиёсий партиялар ва депутатлар фаолиятидаги камчиликларни чуқур таҳлил қилди ҳамда аниқ далиллар асосида очиб берди. Амин бўлдикки, бугунги давр эски тартибда ишлаш мутлақо мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Олдимизга қўйилган вазифалар сиёсий партиялардан, айниқса, мамлакатимизда етакчи сиёсий куч бўлган Либерал-демократик партиядан ниҳоятда фаол, фидойилик, жонкуярликни тақозо этади. Афсуски, тадбиркорлар, фермерларни қўллаб-қувватлашда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда партиямиз томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўзини оқламаётгани кўзга ташланаяпти. Зотан, халқимиз биздан ҳаётимиз фаровонлигини янада юксалтиришга оид янги ташаббусларни кутаётир.

(Давоми 2-бетда).

# КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ЭЪТИБОР

## ноанъанавий ишлаб чиқариш тармоқлари ўзлаштирилишига хизмат қилаяпти

*Тадбиркорлик — иқтисодиётнинг муҳим таянчи. Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳа ривожига катта эътибор қаратиб келинаётир. Натижада одамларнинг ишбилармонлик қобилияти юзага чиқиб, ички бозоримиз янги ва сифатли маҳсулотлар билан бойимоқда, экспорт кўрсаткичлари ҳам ошаяпти.*

ИНТИЛИШ



Қолаверса, бу ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг ноанъанавий турларини оммалаштириш аҳоли бандлигини таъминлаш имконини бераётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Айни пайтда Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида саноат маҳсулотларининг 59,5, капитал қўйилмаларнинг 60, қурилиш ишларининг 85, чакана савдо айланмасининг 92, хизмат кўрсатиш соҳасининг 99 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келаётгани фикримиз тасдиғидир. Эътиборлиси, тумандаги мавжуд 865 та кичик бизнес субъектининг 46 таси жорий йилда ташкил этилди.

Шундай ишбилармонлардан бири — Шойим Шарипов йил бошида банкдан олган 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига музқаймоқ тайёрлашга ихтисослаштирилган замонавий линияни ишга туширди. Бир кеча-кундузда 4,5-5 тонна сутдан 15 турдаги музқаймоқ тайёрлаш қувватига эга корхонада 12 кишининг бандлиги таъминланди.

— Корхонамиз учун сутни ён-атрофимиздаги фермер хўжаликларидан шартнома асосида харид қилаяпмиз, — дейди тумандаги илғор тадбиркорлик субъектларидан яна бири, "Согдиана агроиндустрия" масъулияти чекланган жамияти бош технологи Алишер Насриев. — Табиий сутдан фойдаланаётганимиз боис маҳсулотларимиз харидоргирлиги ошиб, эндиликда уни Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги буюртмачиларга ҳам етказиб бераяпмиз.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# АҲОЛИНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва арзон нархларда дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш мақсадида нархлар шаклланишини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, фармацевтика саноатини қўллаб-қувватлаш ва ички бозорни маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлдириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Хусусан, улгуржи ва чакана савдо учун чекланган савдо устамалари белгиланди, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ўрнатилган нархларда сотиш тизими жорий этилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини оширилган нархларда сотиш ҳолатларини профилактика қилиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида товар чекларини бериш талаби киритилди.

Фармацевтика тармоғида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди, фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди.

Шу билан бирга, мазкур йўналишда аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш аҳволига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор жиддий хато ва камчиликлар мавжуд, жумладан:

**биринчидан**, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш муддатларини сунъий кечиктириш ҳамда ички бозорда тақчилликнинг юзага келишига олиб келувчи импорт қилишдаги ортиқча тартиб-таомиллар;

**иккинчидан**, валюта ресурсларидан оқилона фойдаланиш, импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариш мувозанатини таъминлаш учун дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжларни белгилашнинг аниқ механизмлари мавжуд эмаслиги;

**учинчидан**, четдан олиб келинаётган ва республикада ишлаб чиқарилаётган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига чекланган нархларни белгилаш тартибининг мукаммал эмаслиги;

**тўртинчидан**, маҳаллий хом ашё ресурсларидан етарли даражада фойдаланилмаслиги сабабли мамлакатимиз фармацевтика корхоналарининг четдан харид қилинадиган хом ашё ва материалларга юқори даражада қарамлиги;

**бешинчидан**, дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссиялар ишидаги камчиликлар, шу жумладан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи тузилмаларнинг мавжуд эмаслиги.

Юқорида кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узлуксиз таъминлаш, сунъий тақчиллик ва нархларнинг ошириб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

2017 йил 1 августдан бошлаб Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш истисно тариқасида "Ўзмедэкспорт" республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси (кейинги ўринларда "Ўзмедэкспорт" РТИДК деб юритилади) томонидан Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси тасдиқлайдиган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича тендер савдолари ўтказилмасдан амалга оширилади;

2017 йил 1 июлгача тузилган импорт контрактлари бўйича дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш ва сотиш уларни тузиш санасида амалда бўлган шартлар ва белгиланган нархларда амалга оширилади;

тиббиёт маҳсулотларини сертификатлаштириш фақатгина "Ўзстандарт" агентлигида ўрнатилган тартибда аккредитация қилинган давлат сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади.

"Ўзмедэкспорт" РТИДК Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини 2017 йил иккинчи ярим йиллигида уларга бўладиган қўшимча эҳтиёждан келиб чиқиб етказиб берилишини таъминласин.

"Ўзмедэкспорт" РТИДКга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш бўйича агентларни шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда "Ўзмедэкспорт" РТИДКнинг омбор ва музлатиш хоналари, шунингдек логистика тармоқларини ташкил этиш бўйича таклиф киритсин.

2. Белгилансинки, дорихоналар 2018 йил 1 январга қадар дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишни амалга ошириш лицензияларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида қайта расмийлаштиришлари шарт.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# АҲОЛИНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари бошқарув ходимларининг чекланган сонини 30 тага оширган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларида 2 нафар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасида 4 нафар штат бирлигидан иборат дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шуъбалари ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири (А. Шадманов) икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тузилмаларига ўзгартишлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси, "Ўзфармсаноат" ДАК билан биргаликда бир ой муддатда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини танқидий қайта кўриб чиқиб, натижаси бўйича шифокорнинг қатъий рецептига асосан сотиладиган дори воситаларини рўйхатга киритиш орқали уни келгусида заруратга кўра янгилашни инобатга олган ҳолда мақбуллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда касалланиш, беморлар сони, даволаниш курслари ва бошқа мезонларни инобатга олган ҳолда дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни аниқлашнинг самарали методологияси, шунингдек манфаатдор вазирлик ва идоралар, фармацевтика корхоналари ва улгуржи ташкилотларга эҳтиёж ҳақидаги маълумотларни етказишни назарда тутувчи Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси бир ой муддатда белгиланган нархни шакллантириш жараёнига курс фарқлари ўзгаришининг таъсирини камайтиришни назарда тутган ҳолда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари савдо номлари ва тиббиёт буюмларига белгиланган улгуржи ва чакана нархларни ўрнатиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мутахассисларни жалб этган ҳолда бир ой муддатда "Ўзфармсаноат" ДАК ва унинг тизимига кирувчи корхоналарнинг фаолиятини, шу жумладан ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари нархлари шаклланишини, шунингдек корхоналарни ишлаб чиқарувчи деб тан олиш учун маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш даражасини танқидий ўрганиб чиқсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шуъбалари штат жадвалини тасдиқласин ҳамда олий фармацевтика маълумотига ва фармацевтика соҳасида камида уч йиллик меҳнат стажига эга юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, "Ўзэлтехсаноат" АК, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда дорихоналар ва уларнинг филиалларини товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуна ва дастурий комплекслар билан жиҳозлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 январга қадар дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш фаолиятини лицензиялаш бўйича янгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда дорихоналарнинг амалдаги лицензиялари қайта расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда қатъий ҳисоби юритиладиган бланк ҳисобланадиган, товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қонун ҳужжатлари бузилиши, шу жумладан дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархини шакллантириш тартиби қўпол бузилганлиги оқибатида лицензияси тугатилган дорихоналар манзиллари ва қонунбузилишларга бевосита алоқадор ходимлар (провизорлар, фармацевтлар)нинг барча учун очиқ бўлган ягона реестрини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссиялар Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳар ойда дорихоналарнинг ягона манзиллар реестри ва ходимлар (провизорлар, фармацевтлар)нинг реестрига киритиш учун маълумотларни тақдим этиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида ўзининг ижтимоий дорихона тармоқларини ташкил этиш;

фуқаролар томонидан дори воситалари назоратсиз қўлланилишининг, шу жумладан дори воситаларини фақатгина шифокорлар рецепти асосида сотиш тўғрисидаги талабларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш орқали олдини олиш, Рецептсиз сотиладиган дори воситалари рўйхатига киритилган дори воситалари бундан мустасно;

шифокор рецепти бўйича бериладиган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситаларининг сотилишини мониторинг қилишни таъминловчи ахборот тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси (А. Н. Юнусходжаев) ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини ва республиканинг даволаш-профилактика муассасаларини улар билан таъминлаш аҳволини мониторинг қилиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этсин.

Ишчи гуруҳи мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, шу жумладан ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланган нархларга риоя қилишнинг аҳамияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 17 июль

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "АҲОЛИНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Фуқароларни арзон нархларда зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳолини арзон дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, шунингдек, уларнинг нархларини сунъий ошириб юбориш ҳолатларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан улгуржи савдо учун — сотиб олинган қийматнинг 15 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда, чакана савдода эса — улгуржи нархнинг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чекланган савдо устамалари белгиланди.

Хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотишнинг тизими жорий этилди.

Фармацевтика саноатини ривожлантириш мақсадида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Шу билан бирга, аҳолини зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш аҳволига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор жиддий хато ва камчиликлар кузатилмоқда, жумладан:

амалдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини импорт қилишдаги ортиқча тартиб-таомиллар уларни етказиб бериш муддатларининг сунъий кечиктирилиши ва ички бозордаги тақчиллиги юзага келишига олиб келмоқда;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни белгилаш бўйича аниқ механизмларнинг мавжуд эмаслиги импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариш мувозанатини таъминлаш ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни прогноз қилиш имконини бермаяпти;

импорт қилинаётган ва республикада ишлаб чиқарилаётган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига чекланган нархларни белгилаш тартибининг мукаммал эмаслиги кузатилмоқда;

фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг етарли даражада маҳаллийлаштирилмаганлиги маҳаллий фармацевтика корхоналарининг импорт хом ашёси ва материалларига юқори даражада қарамлигини юзага келтирмоқда, оқибатда дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархлари кескин ошмоқда;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссияларининг фаолияти тўғри йўлга қўйилмаган, бу лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, Президентимиз томонидан қабул қилинган ушбу қарорда аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг тақчиллиги вужудга келишига йўл қўймасликка қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Жумладан, ушбу қарорга мувофиқ, 2017 йил 1 августдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш фақатгина "Ўзмедэкспорт" республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. Ушбу корхонага ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини жорий йилнинг иккинчи ярмида қўшимча эҳтиёждан келиб чиқиб етказиб берилишини таъминлаш топширилди.

Бундан ташқари, тиббиёт маҳсулотларини сертификатлаш сифатини янада ошириш мақсадида ушбу фаолиятнинг фақатгина давлат сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Дорихоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича янгидан жорий этилган талабларга асосан, уларнинг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бўйича амалдаги лицензиялари 2018 йил 1 январга қадар қайта расмийлаштирилиши шартлиги белгиланди. Бунда қайта расмийлаштириш янги лицензияловчи орган — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

Ушбу мақсадларда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмасида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шуъбалари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини қайта кўриб чиқиш, натижаси бўйича уни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситаларининг савдо номлари ва тиббиёт буюмларига белгиланган улгуржи ва чакана нархларни ўрнатиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклиф киритиш;

дорихоналар ва уларнинг филиалларини товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуна ва дастурий комплекслар билан жиҳозлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқлаш вазифалари юклатилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихона тармоқлари ташкил этилиб, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотиш уларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Умуман олганда, қабул қилинган қарор фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, аҳолини арзон нархларда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш имконини беради.

# «Мудраб ётган» сиёсий партиялар уйғониши лозим

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Очиғини айтиш керак, ўтган даврда Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қатор Фармон ҳамда қарорлари ҳаётга татбиқ этилди. Мисол учун, 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ҳамда жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча тури бекор қилинди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, мамлакат раҳбари томонидан ҳар бир оиланинг тадбиркорликка оид кўникмасини шакллантириш, кам ҳосил берадиган пахта майдонлари ўрнига юқори даромад келтирувчи экспортбоп экинлар экишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бу халқ фаровонлиги ҳамда Ватанимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга олиб келади. Тадбиркорликни кучайтириш бўйича Президентимиз илгари сураётган таклифларни шу пайтгача ўйлаб кўришимиз керак эди. Бироқ бизда ташаббускорлик етишмади. Эндиликда ҳаётни чуқур билишимиз, барчасини юрагимиздан ўтказишимиз заруратдир. Партиямиз зиммасида жуда улкан масъулият юки бор. Давлатимиз раҳбари маърузасида фаолиятимизга доир айтилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, олдимизга узоқ йилларга мўлжалланган аниқ вазифаларни белгилаб олдик.

**Сарвар ОТАМУРАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси раҳбари:**

— Теран таҳлил, аниқ мисолларга асосланган маърузада бизнинг фаолиятимизга ҳам холис баҳо берилди. Бугун олдимизда қанчалик мураккаб ва масъулиятли вазифалар турганини ҳар бир партия, ҳар бир фракция аъзоси, депутатларимиз муфассал англаб етди, десам, асло янглишмайман. Видеоселектор йиғилишидан сўнг жуда кўп телефон қўнғироқлари бўлди. Сиёсий партиямиз ташкил этилганига, мана, тўққиз йил тўлди. Очиғи, биз ҳозиргача ўзимизнинг қатъий позициямизга эга эмасмиз. Партиямиз Ҳаракатлар стратегиясида қўйилган вазифалардан ортда юрибди. Ҳалигача ўзимизнинг дастурларимизга ўзгартириш киритмадик. "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий вазифаларидан бири, бу — ёшларимизни "оммавий маданият" таъсиридан асраш, ҳимоялаш ҳисобланади. Бироқ бу борада, шунингдек, миллий маданиятимиз, маърифатимизни тарғиб этишда, таассуфки, кўзга кўринадиган иш қилдик, деб айтолмайман. Президентимиз уюшмаган ёшлар билан кўпроқ ишлашимиз кераклигини тўғри таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, уюшган ёшлар ўз фаолиятини самарали олиб боряпти. Лекин уюшмаган ёшлар-чи? Ким уларга эътибор қаратади? Очиғини айтсак, хижолатдамиз. Мана, бугун имомларимиз уйма-уй юриб, уюшмаган, диний оқимларга адашиб кириб қолган ёшлар билан учрашиб, суҳбатлар ўтказмоқда. Ушбу жараёнда ички ишлар тизими ҳам жуда яхши фаолият юритаяпти. Биз бу борада ҳам ортқада қолдик. Уюшмаган ёшларни ўз мафкурамиз, ғоямизга, энг аввало, биз оғдиришимиз керак. Давлатимиз раҳбари йиғилишда ат-Термизийнинг устози — ал-Бухорийга муносабатини шундай изоҳлаб бердиларки, бу ҳеч қайсимизни бефарқ қолдирмади. Миллий ўзлигимизни янада чуқурроқ англашда буюк аждодларимиз меросини ўрганиш нақадар муҳимлигини ёш авлод қалбига сингдириш партиямиз мақсад ва вазифаларига жуда мос. Бунинг замирида, авваламбор, жаҳолатга қарши маърифат, деган ғоя ётибди. Шу жиҳатдан тарғибот ишларимизда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқдир.

**Хатамжон КЕТМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари:**

— Маърузада сиёсий партиялар фаолиятига оид билдирилган танқидий фикрлар жуда ўринли ва тўғри. Ҳақиқатан ҳам, биз бир қолипга тушиб қолганимизни бугун тушуниб етдик. Сабаби, қонун ижодкорлиги соҳасида ишлаймиз. Лекин бу ҳужжатларнинг жойлардаги ижроси таъминланаяптими ёхуд улар ҳудудларда аҳоли, халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, мавжуд масалаларни ҳал этиб бера олаяптими? Ушбу йўналишда биз бир ёқлама ишлаганимизга амин бўлдик. Бинобарин, давлатимиз раҳбари жойларга чиқиб, ҳақиқий аҳволни ўрганмоқда, одамлар билан мулоқот қилиб, асосий эътиборни ижтимоий соҳага қаратаётир. Бу барчамизга намуна бўлмоқда. Биз бундан буён ҳудудларда бўлиб, ижтимоий соҳа тармоқлари, чунончи, шифохоналар, болалар уйларига кириб, мавжуд муаммоларни ўрганиш, номақбул ҳолатларни бартараф этиш бўйича ишлаймиз. Ва бу ўринда ушбу соҳадаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, тизимни янада ривожлантириш, имтиёзларни кенгайтириш бўйича ўзимизга аниқ мақсадлар белгилаймиз. Мазкур жараёнда ногиронларнинг тўлиқ рўйхатини шакллантириб, уларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб қилиш бўйича мақсадли усулларни ишлаб чиқамиз. Жойларда аҳолининг кам таъминланган қатламларини боқимандалик кайфиятидан чиқаришга энг муҳим йўналишларимиздан бири сифатида жиддий эътибор қаратамиз. Ногирон болаларни махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўзида қамраб олган инклюзив таълим тизимини ривожлантириш, шунингдек, олий ўқув юртларида ногирон болалар учун имкониятларни янада кенгайтириш бўйича ишлар ҳам диққат-эътиборимизда бўлади.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси раҳбари:**

— Маърузада белгиланган вазифаларни мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми, десак, айни ҳақиқат. Буни партиямиз учун, умуман айтганда, жамиятимиз учун ўн, йигирма йиллик стратегик масалалар, деб қабул қилсак бўлади. Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш, айниқса, Бешариқ туманида йигирма беш яшарлик аёлнинг шифокорларимиз эътиборсизлиги, инсон ҳаётига бефарқлиги оқибатида қурбон бўлгани ҳақида куйинчаклик билан айтган гаплари бизни чуқур ўйга толдирди. "Адолат" СДП ҳам бунга етарли даражада эътибор бермаган. Очиғини айтиш керак, бизга ҳозирги пайтда кенг имкониятлар яратилмоқда. Фракциямиз аъзоси соғлиқни сақлаш вазири этиб тайинланди. Бу олдимизга қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш учун жуда катта имкон беради. Айни пайтда вазирлик билан ҳамжиҳатликда ишлаб, аҳоли орасига киришимиз, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишни ўзимизга мақсад қилиб олдик. Барча соҳада бўлгани каби сиёсий партияларда ҳам кадрлар муаммоси бор. Бу борада мамлакат раҳбари жуда тўғри таклиф берди. Чунки биз ўзимиз ҳам мазкур масалада қониқмаяпмиз. Шулардан келиб чиқиб, партиядаги ходимларни яна қайтадан кўриб, партия ходими этикаси, деган тамойилни киритишимиз керак.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи раҳбари:**

— Маърузада экология соҳасида учта энг асосий масала — тоза ичимлик суви, чиқиндиларни қайта ишлаш ва экологик маданиятга эътибор қаратилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бир неча ой мобайнида экология соҳасида Юртбошимизнинг тўртта Фармони, олтита қарори чиқди. Мана шу ҳужжатлар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида тубдан бурилиш ясади, десак, тўғри бўлади. Мана шундай фармонлар, ташаббуслар Президент томонидан олиб борилаётган экан, биз Экоҳаракат депутатлари ўзимизга савол беришимиз лозим. Ахир ушбу масалаларда биз ташаббускор бўлишимиз, мана шу муаммоларни олиб чиқишимиз керак эди-ку. Афсуски, фақат қонун лойиҳаларини ишлаш билан овора бўлиб, аниқ экологик муаммолар ечимига зарур эътибор қаратмаганмиз. Айни пайтда мамлакат раҳбари томонидан берилган вазифалардан келиб чиқиб, биз Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий Кенгашлар, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари, жамоатчилик, мутасадди вазирлик ва идоралар, ташкилотлар билан ҳамкорликда янги дастур ишлаб чиқишга киришдик. Президентимиз ҳудудларга борганда, фуқаролар саломатлигини, энг аввало, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, чиқиндиларни, айниқса, маиший чиқиндиларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратаяпти. Шуларни инобатга оладиган бўлсак, амалий ишларга ўтиш даври келди, деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги пайтда депутатлар, Экоҳаракат ва мутасадди вазирликлар билан биргаликда мамлакатимизга мазкур соҳада юқори технологияларга эга бўлган корхоналарни қуриш масаласида иш олиб бораяпмиз. Мисол учун, айни вақтда Беларусь Республикасининг экотехника компанияси билан биргаликда Ўзбекистонда қиймати 5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган, чиқиндиларни қайта ишлайдиган ускуналар ишлаб чиқарадиган корхона қуриш масаласини ўртага ташладик ва бу борада ишга киришдик. Ўйлайманки, мазкур йўналишда янада кенг қамровли фаолият олиб борамиз.

**Зиёда АШУРОВА**
**ёзиб олди.**

**МУНОСАБАТ**

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари иштирокидаги видеоселектор йиғилишида қилган маърузасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти асосли таҳлил этилди, уларнинг олдидаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Бу мухбирларимиз билан суҳбатда бўлган сенаторлар, маҳаллий депутатлар томонидан алоҳида таъкидланмоқда.*

# Парламент фаолияти самарадорлиги маҳаллий Кенгашлардан бошланади

**Камила КАВЛАНОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси:**

— Президентимизнинг сиёсий партиялар, парламент аъзолари билан самимий мулоқоти, том маънода, муҳим воқеа бўлди, десак, муболаға эмас. Танқидий-таҳлилий маъруза биз, парламент аъзолари учун келгуси ишларимизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Унда илгари сурилган ғоялар, ташаббуслар, янги йўналишлар, албатта, қонунчиликда ўз аксини топади.

Президентимизнинг куйинчаклик билан билдирган фикрлари, ўринли танқидлари, ҳаётий таклифлари ҳам сиёсий партиялар, ҳам миллий парламентимиз фаолиятида туб бурилиш ясайди, деб ўйлайман. Чунки мажлисдан барча депутат ва сенаторлар чуқур ўй-мулоҳаза билан чиқдик. Хўш, биз, халқ вакиллари намояндалари давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар шиддатига мос равишда қадам ташлаяпмизми? Депутат ҳамда сенаторлар ўз амалий саъй-ҳаракатлари билан бошқаларга намуна бўла олаяптими?

Ҳақиқатан ҳам, ушбу саволларни ўз олдимизга қўйиб, белгилаб берилган вазифаларни танқидий сарҳисоб қилиб, мазкур соҳада яна қандай ишларни бажаришимиз, қандай янгича ёндашув зарурлигини чуқур англаб етишимиз лозим. Ушбу теран мулоҳазалар асосида фаолиятимизни қайтадан кўриб чиқиб, ўзимизга тегишли чора-тадбирларни белгилаймиз.

Ахир қачонгача оғир меҳнат, катта маблағ талаб қилмайдиган айрим кичик масалаларни ҳам давлатимиз раҳбари бизга айтиши керак? Бугун замоннинг ўзи, сайловчиларимиз биздан шуни талаб қилаяпти-ку! Оддий мисол, ҳозирги кунда интернет турмушимизнинг ажралмас қисми сифатида миллионлаб кишилар учун асосий ахборот олиш воситасига айланиб қолди. Шу маънода, ишларимиз ҳақида сайловчиларни хабардор этиб бориш учун унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш чораларини кўрамиз. Ҳақли равишда эътироз билдирилганидек, бугун дунёдаги кўпгина мамлакатлар аллақачон мазкур тизимга ўтган.

Хулоса ўрнида айтганда, биз эндиликда халқимиз, ҳудудлардаги аҳоли билан бирга уларнинг муаммоларига амалий ечим излаймиз, бу борада қабул қилинаётган қарорлар сифати ва таъсирчанлигини оширишга астойдил интиламиз.

**Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси, сенатор:**

— Президентимиз маърузасида Сенат фаолиятининг кўплаб йўналишлари асосли танқид қилинди. Таъкидланганидек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида сифат ҳамда самарадорлик бўлмас экан, парламент, хусусан, Сенат ишида ҳам ижобий натижага эришиб бўлмайди. Бу оддий ҳақиқат. Шу боис Сенат ҳузурида маҳаллий Кенгашларга кўмаклашувчи комиссия фаолияти йўлга қўйилган. Лекин аён бўлдики, биз маҳаллий Кенгашларга ҳали том маънодаги амалий ёрдамни кўрсатиб, кўмаклашганимиз йўқ. Бирон-бир маҳаллий Кенгашни намунали кенгаш сифатида шакллантира олмадик. Биз ўзимиз учун хулоса чиқариб, ушбу йўналишдаги фаолиятимизни бутунлай қайтадан кўриб чиқамиз.

Авваламбор, жойларга чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар фаолиятини чуқур ўрганиб, ўша ердаги депутатларга амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида урғу берамиз. Бунда ҳар йилнинг якуни бўйича аниқ мезонлар асосида мамлакатимиз бўйича халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари орасидан 14 та, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри вакиллик органлари ўртасидан эса битта намунали кенгашни аниқлаб, уларни рағбатлантириш, бошқа туман Кенгашларини ҳам навбат билан тайёрлаб бориш механизмини, унинг низомини ишлаб чиқиш ҳамда зарур услубий қўлланмаларни тайёрлаш масаласига асосий эътиборни қаратамиз.

Шу ўринда яна бир масала. Ички ишлар органлари тизимида ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда мавжуд вазиятни яхшилаш, яъни мазкур жараёнда парламент ва жамоат назоратини таъминлаш парламент юқори палатасига юклатилган эди. Ҳозирги кунда бу борада муайян ишлар бажарилмоқда. Лекин Президентимиз ҳам, ўзимиз ҳам амалга оширилган ишлардан ҳали тўлиқ қониққанимиз йўқ. Биз ҳар бир маҳаллага кириб, шу ернинг ўзида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликни илғайдиган мустаҳкам тизим яратишимиз керак. Маърузада Наманган шаҳридаги Орзу маҳалласи таянч пунктида қисқа муддатда катта ишлар қилингани, эришилган натижалар ҳақида таъкидланди. Демак, биз ишчи гуруҳ билан тумандардаги илғор маҳаллалар билан кўпроқ шуғулланиб, муаммолари мавжуд фуқаролар йиғинларидаги ишларга алоҳида амалий муносабат билдиришимиз лозим.

**Шуҳрат ИСМАТОВ, халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати:**

— Мамлакатимиз раҳбари маърузасидаги партиялар фаолиятига оид танқидий фикр-мулоҳазалар, депутатларнинг нуфузини ошириш борасидаги таклифлар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмади.

Бугунги кунда 190 та маҳаллий Кенгашда 6 мингдан зиёд депутатлар ва 1 минг 200 дан ортиқ доимий комиссиялар, 750 дан кўп партиялар депутатлик гуруҳлари фаолият юритаяпти. Улар — халқ вакиллари сифатида одамлар дарди билан яшаши лозим бўлган, давлат сиёсатини энг қуйи нуқталарга етказадиган, жойларда муаммоларни беш қўлдек биладиган катта сиёсий куч. Аммо бу, афсуски, фақат гап-сўзда қолиб кетаяпти, холос. Агар давлат ҳокимияти вакиллик органлари қуйи бўғинда самарали ишласа, миллий парламентимиз фаолияти ўз-ўзидан жонланади, халққа яқинлашади.

Дарвоқе, маърузани тинглаётганда, беихтиёр депутатлик фаолиятим кўз олдимга келди. Одамлар ўй-ташвишларини енгиллаштириш мақсадида катта-кичик ташкилотларга борганимда, баъзиларнинг "Тинчгина юрмайсизми? Шу иш сизга зарур келибдими?" қабилидаги гап-сўзларини эшитганмиз. Биз кўтариб чиқмоқчи бўлган масалалар баъзан эътибордан четда қолгани ҳам рост гап. Муҳими, эндиликда бу каби нохуш ҳолатларга қонун йўли билан тўсиқ қўйилади.

Депутат сифатида 10 йиллик иш тажрибасига эга киши сифатида айта оламанки, Президентимизнинг "Депутатга беписандлик — халққа беписандлик, деб баҳоланиши шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўсқинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавоб беради", деган сўзлари ўз вазифамизга муносабатимизни тубдан ўзгартиради. Халқ вакилларини сайловчилар ўй-ташвишлари билан яшашга, ёшлар таълим-тарбияси, тадбиркорликни ривожлантириш, бандлик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби қатор масалалар билан жиддий шуғулланишга ундайди. Эртанги кунга ишончимизни, обрў-эътиборимизни мустаҳкамлайди. Сирасини айтганда, сидқидилдан, самарали ишлаган депутатлар бир умр эл-юрт, давлатимиз эъзозида бўлади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари Қобил ХИДИРОВ, Истам ИБРОҲИМОВ ёзиб олди.**

---

**ТАДБИР**

*Гулистон шаҳрида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.*

## Ўзбекистон ёшлар иттифоқи: Юксак ишонч масъулияти

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан шу йил 30 июнда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар билан учрашувда белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан иттифоқнинг вилоят кенгаши ва ёшлар масалалари бўйича идоралараро ҳудудий кенгаши олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидландики, юртимизда замон талабларига мос равишда фаолият юритадиган Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва келажагимиз эгаларига юксак ишонч билдирилгани сирдарёлик йигит-қизларнинг ҳам иштиёқини, ғайрат-шижоатини янада ошириб юборди. Шу билан бирга, улардаги Ватанга дахлдорлик масъулиятини янада мустаҳкамлади. Бинобарин, бугун воҳада минг-минглаб навқирон авлод вакиллари ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли йўналишларида фаол иштирок этмоқда, замонавий таълим муассасаларида қунт билан ўқиб-ўрганаяпти.

— Бугун биз, йигит-қизларнинг ҳар жиҳатдан етук инсонлар бўлиб камолга етиши учун барча шароит яратилган, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Гулистон давлат университетидаги бошланғич ташкилоти етакчиси Зокир Зикряев. — Президентимиз томонидан кўрсатилган юксак эътибор эса бу борадаги имкониятларимизни янада кенгайтирди. Айни чоғда, энг муҳим вазифа — эртамиз давомчиларининг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Зеро, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 июлда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонида кўрсатилганидек, эндиликда мазкур тузилма республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, "Ёшлар — келажак бунёдкори" шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотга айланади.

Тадбирда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти кенгашига Шавкат Зайниддинов раис этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қ. Қуронбоев, Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Мирзаев сўзга чиқди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Эшитган яхши, кўрган ундан-да афзал

*Самарқанд вилояти аҳли Ватанимиз мустақиллигининг йигирма олти йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш тараддудида, янгича ғайрат-шижоат, кўтаринки кайфиятда меҳнат қилмоқда. "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда ўз фикри билан иштирок этиб, истиқлолимизнинг қадри, бугунги кунимиз, амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида тўлиб-тошиб сўз юритмоқда.*

**ТААССУРОТ**

Президентимизнинг жорий йил 27 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросига мувофиқ ташкил этилган учрашувларда адиб ва шоирлар, журналистлар, мусаввирлар, олим ва маънавият тарғиботчилари қатнашди.

Жумладан, вилоятнинг Пайариқ, Пастдарғом, Жомбой, Ургут ва Тайлоқ туманларида бўлиб ўтган мулоқотлар самимиятга йўғрилганлиги билан меҳмону мезбонларда унутилмас таассуротлар қолдирди. Зеро, бу суҳбатларда 2017 — 2018 йилларда вилоятда кам қувватли корхоналарни молиявий соғломлаштириш, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектлар негизида саноат тармоқлари, хизмат кўрсатишни ташкил этиш орқали иш ўрни яратиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилганидан хабардор бўлдик. Бунга кўра, жорий йилда 177 та кам қувватли корхонани молиявий соғломлаштириш, 116 та бўш турган, 9 та қурилиши тугалланмаган ва 8 та хусусийлаштирилган объект негизида қиймати 120,9 млрд. сўмлик жами 310 та лойиҳа рўёбга чиқарилади. Натижада 147,8 млрд. сўмлик қўшимча маҳсулотлар тайёрланиб, 1501 иш ўрни яратилади.

— Ҳар бир ота-она фарзандининг камолини кўргиси келади. Ўғли ё қизи ишли бўлса, кўнгли хотиржам тортади, — дейди каттақўрғонлик меҳнат фахрийси Нурбой Тоғаев. — Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлашга жуда катта эътибор билан қараяпти. Бу масалада қуруқ маълумотнома, ҳисобот учун тайёрланган рақамларни кўз-кўз этсак, ўзимизни алдаган бўламиз. Ҳақиқат — амали билан ҳақиқат.

Аслида ҳам шу, энди лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, Президентимиз ёшлар тарбияси, уларнинг билимли, одобли, намунали хулқ эгаси сифатида вояга етиши учун барча шарт-шароитни яратиб бераяпти. Бинобарин, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тузилиши, 11 йиллик таълимнинг тикланиши, навқирон авлод вакилларига масъул вазифалар ишониб топширилиши жойларда катта акс садо бермоқда. Пастдарғом туманида ёзувчи ва шоирлар иштирокидаги мулоқотларда ҳам ўқитувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ана шу хусусда тўлқинланиб сўз юритишди.

Яна бир муҳим жиҳатга амин бўлдикки, бугун юртдошларимиз жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган арзон уй-жойларнинг қулайлиги, шинамлиги, энг асосийси, турмуш фаровонлигига хизмат қилишда улкан аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашаяпти. Бу бежиз эмас. Чунки Самарқанд вилоятида 2017 йилда 1758 та ана шундай хонадон қурилиши белгиланган. Ургут туманининг Мерганча массивида 10 та бир қаватли 3 хонали уй-жой фойдаланишга топширилди. Бошқа ҳудудларда ҳам қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Шу кунларда Самарқанд шаҳрида Хўжа Аҳрори Вали ҳамда Садриддин Айний кўчаларини бирлаштирувчи йўл қурилиши бошлаб юборилганининг гувоҳи бўлдик. Унинг узунлиги 892 метр, эни 34 метр, 6 қатор қатновга мўлжалланган. Президентимиз Самарқанд вилоятига ташрифи давомида мазкур кўча қурилишининг 3-босқичи ҳақида гапириб, мутасаддиларга бузиладиган тураржой бинолари эгаларини уй-жой билан таъминлаш вазифасини топширган эди. Айни пайтда Намозгоҳ маҳалласи ҳудудида битта 7 қаватли, 63 хонадонли арзон уй-жой қуриш ишлари авжида.

Умуман, вилоятнинг ҳар бир шаҳри, туман ва қишлоқларида ҳозирдан энг улуғ, энг азиз байрамимиз шукуҳи ҳукмрон. Аҳоли қўлни қўлга бериб яратувчанлик юмушлари билан банд. Муҳими, ҳар бир бунёдкорлик замирида эртанги кунга бўлган юксак ишонч мужассам.

Тадбирлар доирасида "Самарқанд адиблари" китоби тақдимоти ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари, рангтасвир усталари ва ёш ижодкорларнинг янги асарлар кўргазмаси, таниқли шоирлар иштирокида мушоира ўтказилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

---

# КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ЭЪТИБОР

## ноанъанавий ишлаб чиқариш тармоқлари ўзлаштирилишига хизмат қилаяпти



Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Туманда, шунингдек, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулот таннархини имкон қадар пасайтириш мақсадида томчилатиб суғоришга асосланган интенсив боғлар яратилаётгани ҳам диққатга сазовор. Масалан, Ҳафтқориён маҳалласи ҳудудидаги уч гектарлик "Исроилобод бўстони" боғи "Адизбобо" фермер хўжалиги таркибида барпо этилган.

— Боғни ташкил қилишдан олдин, — дейди кекса боғбон Илҳом Асадов, — ерни, шамол йўлларини обдан ўрганиб чиқдик. Шундан сўнг бу ерга олхўри, шафтоли, олма, ўрик ва нок каби мевали дарахтларнинг 2700 туп кўчатини қададик. Олти кишини ишга жалб қилдик. Ҳозирги кунда улар боғни меҳр билан парваришламоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш хусусида гап кетар экан, бугунги кунда туманда меҳнатга лаёқатли кишиларнинг қарийб 60 фоизи мазкур соҳада иш билан банд эканини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу ҳудудда ишбилармонлик муҳити янги босқичга кўтарилаётганидан яққол далолатдир.

**Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Ворислик ва мерос бўйича ҳуқуқларингизни биласизми?

*Ўзбекистон Республикаси Олий судида "Ворислик ҳуқуқи" ҳамда "Ўзбекистонда мерос ҳуқуқи" қўлланмаларининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

**ТАҚДИМОТ**

Тадбирда Олий суд раисининг ўринбосари Х. Ёдгоров ва бошқалар томонидан таъкидланганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоялаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган янгиланиш ва ўзгаришлар изчил давом эттирилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад одил судлов, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни кучайтиришдан иборат.

Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги саъй-ҳаракатларга изчиллик бағишлади. Пойтахтимизда суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишлар аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан тизимдаги хато ва камчиликлар танқид қилиниб, уларни бартараф этиш чораларининг кўрсатилиши эса ислоҳотларни янада тезлаштиришга замин яратди.

Мазкур йўналишдаги янгиланишларни юртдошларимизга етказиш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси доирасида "Ворислик ҳуқуқи" ва "Ўзбекистонда мерос ҳуқуқи" қўлланмалари чоп этилди.

**"Ворислик ҳуқуқи"** амалий қўлланмаси фуқароларнинг муҳим ҳуқуқи саналмиш ворислик ҳамда уни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган бўлиб, ўзининг оммабоплиги билан ажралиб туради. Айни чоғда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро ва туман (шаҳар) судлари судьяларининг ворислик ҳуқуқларига доир қонун ҳужжатлари нормаларини амалиётда тўғри ҳамда бир хилда татбиқ этишида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**"Ўзбекистонда мерос ҳуқуқи"** рисоласи мерос сифатида қолдириш мумкин бўлган мулклар, васиятнома тузишнинг муҳим жиҳатлари, меросни эгаллаш ва уни тақсимлаш, нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун тўланадиган давлат божи ставкалари ҳамда бошқа масалаларга доир маълумотлар инфографика, жадвал, чизма ва суратлар ёрдамида атрофлича очиб берилганлиги билан қимматлидир.

Тақдимот иштирокчилари бу қўлланмаларни ўқиш асносида ворислик ҳамда мерос ҳуқуқлари бўйича етарлича билимларга эга бўлиш мумкинлигини эътироф этишди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

**ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА**

*Италияда Иккинчи жаҳон уруши даврида АҚШ ҳамда иттифоқчилар армияси томонидан ташланган, бироқ ўз вақтида портламай қолган ва шу пайтга қадар ер қаърида ётган авиация бомбаси топилиб, зарарсизлантирилди.*

## Ер қаърида етмиш уч йил



Топилма мамлакатнинг шимолида жойлашган Брессаноне шаҳри яқинида, Бреннер довонидан 50 километр жануброқда аниқланган. Уни зарарсизлантириш жараёни тез ва муваффақиятли кечган. Маълум бўлишича, бомба топилган жойнинг яқинидаги автотрасса уч соат давомида ёпиб қўйилган.

Ўтган ҳафтада Польшанинг Белосток шаҳридан 500 килограмм оғирликдаги портламай қолган авиабомба топилганида, ўн мингдан зиёд аҳоли тураржойларидан эвакуация қилинганди.

## «EasyJet» Брекситдан чиқмоқчи

*Буюк Британиянинг паст тарифли авиаташувчиси "easyJet" Австрияда ўз филиалини очишни режалаштираяпти. Янги компания "easyJet Europe" деб номланиши кутилаётир.*



Бундай қарорга келинишининг асосий сабаби сифатида Буюк Британиянинг Европа Иттифоқини тарк этиши кўрсатилмоқда. Агар Брексит содир бўлса (айни пайтда бунга ҳеч қандай шубҳа қолмаган), мазкур авиаташувчи 2019 йилнинг 1 январидан эътиборан асосий бозорини йўқотади. Чунки белгиланган қоидаларга биноан, Евроиттифоқ ҳудудида тузилмага аъзо бўлмаган давлатлар авиакомпанияларининг ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида авиарейсларни амалга ошириши тақиқланган.

Айтиш жоизки, "easyJet" ўтган йили 74,5 миллион йўловчини ўз манзилига элтиб қўйган бўлиб, самарадорлик борасида Ирландиянинг "Ryanair" компаниясидан (117 миллион йўловчи) ортда қолганди, холос.

## Йўлдаги ҳодиса

*Ҳиндистоннинг Кашмир вилоятида автобуснинг жарликка қулаши оқибатида 16 киши вафот этди.*

Яна 27 киши турли даражада тан жароҳати олган. Улардан айримларининг аҳволи оғирлиги айтилмоқда.

Қутқарув ишларига маҳаллий полициячилар, ҳарбийлар ва бир нечта вертолёт жалб қилинган. Жароҳатланганларнинг 19 нафари яқин ўртадаги касалхоналарга олиб кетилган.

## Яна ўрмон ёнғинлари

*Португалияда кузатилаётган ўрмон ёнғинларини назоратга олишнинг имкони топилмаяпти.*



Воқеа жойида 250 нафар ўт ўчирувчи ишламоқда. Олов Алижо муниципалитетининг шу номдаги қишлоғига етиб келгани билдирилган. Айни пайтда бу ерга элтувчи йўллар ёпиб қўйилган, аҳоли эса эвакуация қилинмоқда. Шунингдек, хабарларга кўра, ёнғинни ўчиришга жалб этилган самолёт ҳалокатга учраган. Бахтли тасодиф туфайли учувчи омон қолган.

Июнь ойида Португалиянинг марказий қисмида рўй берган ўрмон ёнғинлари туфайли мамлакат катта зарар кўрган эди. Ўшанда 30 минг гектардан ортиқ ўрмон майдонларининг кули кўкка совурилганди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# «Мустақил юрт ҳунармандлари»



*Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб "Мустақил юрт ҳунармандлари" деб номланган халқ бадиий ҳунармандчилиги ҳамда амалий санъати маҳсулотларининг анъанавий IX кўргазмаси бўлиб ўтди.*

*Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" уюшмаси ташаббуси билан уюштирилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан юз нафарга яқин усталар ўзлари яратган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари билан иштирок этди.*

**КЎРГАЗМА**

Кўргазма-савдода ёғоч ўймакорлиги, миниатюра, зардўзлик, заргарлик, миллий либослар, кулоллик, кандакорлик каби 20 дан ортиқ йўналишлардаги амалий санъат намуналари намойишга қўйилган.

Тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, турли ташкилот ва идоралар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик қатнашди. Шунингдек, узоқ йиллар давомида миллий ҳунармандчилигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган, юзлаб ёшларимизга ўз ҳунари сирларини ўргатиб келаётган, ҳалол меҳнати билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган кексаларга "Ҳунарманд" уюшмасининг Фахрий аъзоси гувоҳномаларини топшириш маросими ҳам ўтказилди.

Кўргазма доирасида маданий-маърифий тадбирларнинг ташкил этилиши, пойтахтимизда фаолият юритаётган турли давлатлар маданият марказлари фольклор жамоалари томонидан саҳналаштирилган томошалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, "Устоз — шогирд" мактаби анъаналари асосида ҳунар ўрганган ёшлар ва тажрибали усталарнинг маҳорат дарслари йигит-қизларга фойдали ўгит бўлгани шубҳасиз.

Мамлакатимизда халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, соҳа вакилларига эркин фаолият юритишлари учун шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бўш иш ўринлари очиш, қолаверса, ҳудудларни комплекс ривожлантиришда ҳунармандчиликнинг ўрни ва ролини юксалтириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётимизга изчил татбиқ этилмоқда. Жумладан, Республика "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан юртимизда ноёб ва йўқолиб кетган ҳунарларни қайта тиклаш, мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда, қўл меҳнати ила санъат асари яратаётган усталаримиз ишларини муносиб баҳолаш, уларнинг бадиий ижод намуналарини нафақат Ватанимиз, балки хорижий давлатларда ҳам намойиш этиш борасида муҳим ишлар амалга оширилаяпти.



Ҳунармандларимиз кошинкорлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик ва кандакорлик йўналишларида муваффақиятларга эришишди. Ипак ва пахтадан тайёрланган газламалар, кашта ҳамда гилам тўқиш учун мўлжалланган иплар, кулоллик буюмлари ва кошинкорлик маҳсулотларини ранглаш борасидаги изланишлар натижасида ўсимликлардан табиий ранг олиш технологиялари яратилди.

Халқ ҳунармандчилиги ҳамда амалий санъатимизнинг ноёб намуналарини яратиш, ёшларимизни миллий ҳунармандчилигимиз ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш юзасидан уюшма томонидан кенг кўламли ишлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Ёш истеъдодларни аниқлаш, миллий ҳунармандчилик мактабларини ривожлантиришда бу каби кўргазма-танловлар, фестивалларнинг аҳамияти беқиёсдир.

**Лола МУҲУТОВА.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Нуронийлар тажрибаси — ибрат мактаби

*Фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари — кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи фаолияти самарадорлигини ошириш учун қандай омилларга эътибор бериш лозим? Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги "Мажнунтол" мажмуасида "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинари шу масалага бағишланди.*

**СЕМИНАР**

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари асосида фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари — кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Негаки, ахборот технологиялари асрида маданиятлар ўртасидаги вақт ҳамда макон билан боғлиқ чегаралар тобора қисқариб бораётган бир паллада ҳурмат ва эътиборга эга нуронийларнинг ёшлар тарбияси билан боғлиқ ҳаёт тажрибасидан самарали фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда нуронийларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштироки ҳамда давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги вазифалари, жамоатчилик асосида ташкил этилган фуқаролар йиғини раиси ўринбосари — кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчининг асосий фаолият йўналишлари юзасидан тўлиқ маълумот берилди.

Иштирокчилар шуъбаларда нотинч оилалар ҳамда ажримларнинг олдини олишда нуронийларнинг вазифалари, тўй ва бошқа маросимларни миллий анъаналаримизга мос равишда ўтказиш, кексаларнинг уюшмаган ёшлар билан ишлашдаги ўрни ҳамда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва диний идоралар билан ҳамкорлик каби масалаларни кенг таҳлил қилдилар.

Муҳокамалар якунида зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Спорт

# Ҳозирча иккита олтин

*Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда Лондон шаҳрида пара-атлетика бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Қувонарлиси, ўзбекистонлик паралимпиячилар мусобақанинг дастлабки кунларида иккита олтин медални қўлга киритишди.*

Жумладан, диск отиш беллашувларида амалдаги Паралимпия ўйинлари чемпиони ва рекордчиси, ҳамюртимиз Ҳуснид-дин Норбеков 54,73 метр натижа билан олтин медалга сазовор бўлди. Энди у ядро улоқтириш мусобақасида ўз имкониятини синаб кўради.

Узунликка сакраш бўйича "Рио — 2016"нинг бронза ҳамда жорий йил Боку шаҳрида уюштирилган Ислом бирдамлиги ўйинлари олтин медаллари соҳиби Дониёр Солиев ҳам муросасиз беллашувларда кучли иродасини намоён этиб, ғолибликка эришди. Спортчимиз 7,18 метр масофага сакраб, Осиё рекордини янгилади.

Ўзбекистон пара-атлетикачилари мазкур иккита олтин билан норасмий медаллар жамғариш рўйхатида ҳозирча 10-ўринда бораяпти.



# Оқгулнинг иштироки омад келтирди

*Россия пойтахти Москва шаҳрида ITF тақвимидан ўрин олган "Mockow Open — 2017" турнирида юртдошимиз Оқгул Омонмуродова бош совринни қўлга киритди.*

Гап шундаки, теннисчимиз мусобақанинг жуфтликлар баҳсида ғолибликка эришди. Россиялик дугонаси Валентина Ивахненко билан бирга иккинчи рақамли жуфтликни ҳосил қилган Оқгул финал баҳсида беларуслик ракетка усталари — Илона Кремен ва Ирина Шиманович тандемига қарши кортга чиқди. 1 соату 17 дақиқа давом этган учрашувда Омонмуродова ва Ивахненко дуэти 6:4, 6:2 ҳисобларида ғалаба қозонди.

# Ёшларимиз кучлилар сафида

*Қирғизистонда дзюдо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медаль жамғарди.*

Умидли полвонларимиздан бири Артём Штурбабин Вхигеон Ким (Жанубий Корея), Жаъфар Ферузободий (Эрон), Кенши Харада (Япония) каби спортчиларни енгиб, финалга чиқди. Олтин медаль учун кечган беллашувда эса у эронлик Алиризо Хожастехдан устун келди.

Мусо Собиров ҳам кучли рақиблар — ҳиндистонлик Аттор Сингҳ, саудиялик Абдуллоҳ Ҳамад, тожикистонлик Эрож Абдуллоев ҳамда мўғулистонлик Ботболд Булганни мағлубиятга учратиб, бош совринга сазовор бўлди.

Шунингдек, мусобақада Б. Омондавлатов, Ш. Жандреев, М. Ширинов кумуш, К. Нуруллаев ва А. Юсупов бронза медалларни қўлга киритди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда эса С. Султонова ҳамда Г. Муратбоева шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. К. Мамарасулова терма жамоамиз ҳисобига бронза медални қўшиб қўйди.

**ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ**



Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумчиси Элдор Шомуродов Россиянинг "Ростов" жамоасига трансфер қилинди. "Бунёдкор"нинг собиқ ҳужумчиси мазкур клубда 14-рақам остида майдонга тушади. 22 ёшли футболчи терма жамоа либосида 18 ўйинда 6 та гол уришга муваффақ бўлган.

* * *

Қатарнинг "Ал-Жаиш" жамоаси таркибида фаолият юритган Сардор Рашидов жамоасини ўзгартирди. Маҳоратли футболчимиз эркин агент сифатида Бирлашган Араб Амирликлари чемпиони "Ал-Жазира" клуби сафига бориб қўшилди. Бу ҳақда жамоа расмий сайтида хабар тарқатилди.

**Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.**

ЭЪЛОНЛАР




**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!**

**«АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг, шунингдек, судлар фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида эълон қилган «Адолат — қонун устуворлигида» деб номланган танлов давом этмоқда.**

Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидаги ислоҳотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот котибига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллиф томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловда учта ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар билан иштирок этиш мумкин. Тақдим қилинган мақола, кўрсатув ва эшиттириш муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ҳамда лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2017 йил 1 январдан 15 декабргача чоп этилган мақолалар, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари:**

- 1-ўрин учун — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг I даражали диплом ва энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида пул мукофоти;
- 2 та 2-ўрин учун — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг II даражали диплом ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида пул мукофоти;
- 3 та 3-ўрин учун — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг III даражали диплом ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Мурожаат учун манзил: 100186, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 1-уй, Олий суд биноси. Телефон: (0-371) 239-02-43. Электрон почта: press@oliysud.uz**

1017R/314



**Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази магистратурасига 2017/2018 ўқув йили учун тингловчилар қабул қилиш тўғрисида**

**Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази «Бизнесни бошқариш магистри» («Master of Business Administration — MBA») мутахассислиги бўйича 2017/2018 ўқув йили учун магистратурага қабул эълон қилади.**

Ўқиш кундузги шаклда икки йиллик магистратура таълим дастури бўйича контракт-тўлов асосида ташкил этилади. Битирувчиларга магистр даражаси ва давлат намунасидаги диплом берилади.

Таълим жаҳон андозалари бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурлар асосида олиб борилади ҳамда тингловчилар ўқув-амалиётларни (стажировка) мамлакатимиз ва хорижнинг етакчи компания ҳамда корпорацияларида ўташади.

Магистратурага олий маълумотли, олий таълим муассасасини битирганидан сўнг камида уч йиллик иш стажига эга 40 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан хўжалик бошқаруви органлари, акциядорлик жамиятлари ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари тест синовлари йўли билан очиқ танлов асосида қабул қилинадилар.

Тест синовлари қуйидаги фанлардан ўтказилади: инглиз тили, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, иқтисодиёт назарияси.

Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази магистратураси тингловчилари учун ўқиш даврида улар эгаллаб турган иш ўринлари (лавозимлари) ва иш ҳақи сақлаб қолинади.

**Хужжатлар 2017 йил 17 июлдан 17 августгача қабул қилинади.**

**Қабул комиссияси душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача ва шанба куни соат 9.00 дан 15.00 гача Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида қуйидаги манзил бўйича фаолият кўрсатади: Тошкент шаҳри, Мирobод кўчаси, 25-уй.**

**Батафсил маълумотни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин: (0-371) 239-03-05.**

**Веб-сайт: www.cgc.uz**



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 80 022 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 00.55 1 3 4 5 6